

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЬАТИДА ҚҮЛ КАШТАЧИЛИГИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Хожимуродова Азиза Жахонгировна

Ўзбекистон амалий санъати ва ҳунармандчилик
тариҳи давлат музейи

Тарих илмий бўлимининг боши мутахассиси

Аннотация: Ушбу мақолада бадиий ҳунармандчиликнинг энг ноёб ва нозик турларидан бири бўлган бадиий каштачиллигининг ривож топиши, оддий ўзбек аёллари томонидан яратилган ушбу маҳсулотлар ўзбек хонадонларини безаш билан бир қаторда бугунги қунда бутун дунёда юксак санъат асари сифатида баҳоланаётганлиги ҳамда ўзбек миллий каштачиллиги амалий санъатнинг анъанавий усуслари атрофлича таҳлил этилган.

Аннотация: В данной статье анализируется развитие художественной вышивки – одного из самых редких и изысканных видов декоративно-прикладного искусства. Эти изделия, созданные простыми узбекскими женщинами, не только украшают узбекские дома, но и сегодня оцениваются во всём мире как произведения высокого искусства. В статье также подробно рассматриваются традиционные методы узбекской национальной вышивки в прикладном искусстве.

Abstract: This article analyzes the development of artistic embroidery, one of the most unique and delicate forms of decorative craftsmanship. These creations, made by ordinary Uzbek women, not only adorn Uzbek homes but are also now recognized worldwide as works of high art. The article further examines the traditional techniques used in Uzbek national embroidery within the realm of applied arts.

Калит сўзлар: амалий санъат тури, қўл каштачиллиги, бадиий ҳунармандчилик, безак, ипак ип, мато, бўёқ, сўзана.

Ключевые слова: декоративно-прикладное искусство, ручная вышивка, художественное ремесло, орнамент, шелковая нить, ткань, краска, сузане.

Key words: applied art, hand embroidery, artistic craftsmanship, ornament, silk thread, fabric, dye, suzani.

Каштачилик –ўзбек халқ амалий санъатининг ёрқин ва бетакрор турларидан бири бўлиб, миллий маданият ифтихори ҳисобланади. Оддий ўзбек аёллари томонидан яратилган ушбу маҳсулотлар бугунги кунда бутун дунёда юксак санъат асари сифатида юқори баҳоланади. Улар нафис гуллари, ҳайратомуз нақшлари ва бир-бирига уйғун бўёқлари билан кишини ўзига жалб қиласади. Кўл каштачилигининг келиб чиқиш тарихи узоқ мингийлликларга бориб тақалади. Афсуски, анча чидамсизлиги сабаб, кашталарнинг қадимий намуналари бизгача етиб келмаган. Бироқ пахта, ипакни етиштириш тўғрисидаги маълумотларга қараб тахмин қилиш мумкинки, бизнинг ҳудудда кашталарнинг тарқалиши бир неча минг йил бурунги даврга тўғри келади. XIX-XX аср бошларидаги тарихий материаллар, маҳсулотларнинг бой нақшлари ва турли яратилиш техник усуллари шундан далолат берадики, санъат тури сифатида каштачилик бу вақтга келиб, кўплаб усталар авлодининг ижодий имкониятларини ўзига сингдирган ҳолда узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтган¹.

Ўзбекистон халқ амалий санъатида каштачилик алоҳида ўрин эгаллади. Каштачилик, меъморлик ва безак санъатининг бошқа турлари- ганч ва ёғоч ўймакорлиги нақш солиш санъатларини тўлдириб, турар жой ва бошқа майдада рўзғор буюмларини тўла-тўкис безатишга ёрдам беради. У миллий либосларда ҳам, байрамларда кийиладиган кийимларда ва кундалик хаётда кийиладиган кийимларда ҳам кенг тарқалган.

XIX асрга келиб Бухоро, Нурота, Шахрисабз, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Пискент, Фарғона каби катта-катта бадиий каштадўзлик марказлари вужудга келган ва бу каштачилик санъати бутунлай аёлларга хос бўлган².

¹. “Ўзбекистон маданий мероси” муаллифлик туркуми. “Ўзбекистон каштачилиги ва гиламлари хорижий тўпламларда”. IV том. Тошкент: 2020. Б -35

² Морозова А.С., Аведова Н.А., Махкамова С.М. Ўзбекистон халқ санъати. Тошкент: 1978. Б -32

Санъатнинг оммавий тури ҳисобланган кашта ҳар бир аёлнинг ижодий қобилиятини кўрсата олиши учун имконият яратиб берган. Пахта ва ипак, моҳир кўллар ва чексиз сабр-тоқат –бу тўқимачилик санъати дурдоналарини яратиш учун зарур бўлган омиллардир¹.

XIX асрнинг 80-йиллари гача ипак ва жун билан хонаки табиий оқ ва қизғиш рангларда охорланган ип газламаларга кашта тикилган. Кейинчалик йирик зебзийнат учун тикиладиган кашталарга бинафша ранг, сариқ, зангори ва тўқ сариқ рангдаги косибий ипак матолари –шойи ҳамда фабрикада тўқилган матолар ишлатила бошлади. Кашта учун асосан шойи иплар танлаб олинган, турли рангдаги иплар игна, илмоқли бигиз билан турли матоларга тикилган ва табиий бўёқлар билан бўялиши эвазига бой ранг-баранглик яратилган. Бўёқлар учун рўян илдизлари, исфаракнинг сариқ гуллари, исфарак гулбарглари, анор, пиёз пўсти, заъфарон, ўсма ва шу каби кўп ўсимликлардан фойдаланилган. Кўк ранг бўяш учун эса индигодан фойдаланишган.

Кашта хомаки нусхасини “сехрлаш” учун моҳир рассомлар саналган аёллар –чизмакашлар ва қаламкашлар атайин таклиф қилинган. Йўнилган қамиш ва сувда эритилган қоракуя ёрдамида чизмакаш мато бўлакларида кашта тикиладиган жойларни белгилаб чиққан ва каштачи-чокчилар томонидан кашталар тикилган.

Кашта нақш гуллари муайян маросим мақсадларида хизмат қилган, айниқса тўй кийим-кечакларига тикилган сехрли кашталар ёш келин-куёвдан инсжинсларни ҳайдаши керак эди.

Деворга осиладиган йирик безакли буюмлар: сўзана, палак, гулкўрпа; тахмонга тутиладиган пардалар; жойпўш, кирпеч; деворнинг тепа қисмини безатиб турадиган матолар: зардевор, жойнамоз, буғжома рўйжо ва бошқаларнинг композицияси гуллаб турган шохчалар, доиралар, муракқаб гулбарглар, ингичка пояли гулкосалар, баргли навдалар тасвиридан таркиб топган бўлади. Баъзан нақшлар орасида ҳайвонлар ва рангоранг қанотли қушлар, рўзгор буюмларидан пичоқ, чойнак, офтобалар тасвирини ҳам учратиш мумкин.



Сўзана. XIX аср охири.



Зардевор. XX аср бошлари.

Сўзана. XX аср бошлари.

Безак сифатида фойдаланиладиган йирик кашта буюмларида матонинг гул тикилган қисми ҳамиша очиқ қолган таг қисмидан кўпроқ ва баъзи ҳолларда йирик мато бўлган яхлит кашта билан қопланган бўлади. Шу сабабдан ҳам уларни кўлда тўқиладиган гиламлар каби тайёрлаш учун ғоятда кўп вақт ва катта меҳнат талаб қилинади³.

Ўзбекистонда ипакчилик ривожланган бўлиб, унинг деярли ҳамма худудларида ипакдан кашта ипи тайёрланган. Каштачилик ҳунари билан асосан хотин-қизлар шуғилланишган. Қизлар одатда 8-9 ёшлигидан каштачилик сирларини ўрганиб оладилар. Улар кўпинча ўзлариниг сеплари учун безак кашталари тикканлар. Умуман олганда ўзбекларнинг бирор кашта билан безатилмаган хонадони бўлмаган. Хоналар палак, гулкўрпа, зардевор чойшаб, кирпеч каби безак кашталар билан безатилган. Бундан ташқари уй анжомлари – сандалпўш, жойнамоз, ойна халта, тароқ халта, туз халта, нимча, кўйлакларнинг ёқа ва этаклари, белбоғлар, ҳамёнлар паранжилар айниқса бош кийимлар –

³ Курбонов Б., Эрназаров Э., Зоитов Т., Ҳабубуллаев Н., Ҳакимов А., Содикова Н. Ўзбекистон амалий санъат. Тошкент: 2003. Б -6

дўппилар кашта билан безатилган. Ҳатто оёқ кийимлари –ковуш, маҳси, этиклар ҳам кашта билан безатилган.

Кашталарда ҳар бир худуднинг ижрочилик маҳорати алоҳида фарқланади.



Сўзана. 1960 йиллар



Хотин-қизлар дўпписи. XX аср бошлари.

Масалан, Тошкентнинг “палак” деб аталувчи каштаси ипак ёки ип билан “ой палак”, “тогора палак”, “юлдуз палак” каби нусхалари само жисимлари белгилари билан тасвирланса, Бухоро кашталарида оқ матога енгил майин гулли шохчалар доиралар шаклида туширилади. Нурота кашталари ўзининг ислимий нафис безаклари билан Ўрта Осиёда энг юқори ўринда туради. Шахрисабз кашталарининг “ироқи” нусхалари сидирғасига бирон жой очиқ қолдирилмай нақшларнинг жойлаштирилиши, яъни гилам нусха билан, Сурҳондарё, Қашқадарё кашталари тўқ қизил ёки сарик рангдаги сатинларга кетма-кет жойлаштирилган доиралар, уларнинг атрофида шохчалар билан безатилиши, ёрқин рангларда тикилиши билан ажralиб туради.

Халқимиз томонидан миллий каштадўзлик амалий санъати ўз турмуш тарзини фаровон қилиш истаги натижасида юзага келган. Каштадўзлик маҳсулотларини тайёрлаш ва даврлар ўтиши билан ишлаб чиқариш биринчи навбатда маҳаллий аҳолининг иқтисодий ва маданий-маиший талаб, эҳтиёжларини қондириш(истеъмол)га қаратилганлиги билан характерланади.

Хуроса қилиб айтганда, ўзбек миллий каштачилиги амалий санъатнинг анъанавий усулларидан бўлиб, у халқимизнинг ўз турмушини маънавий-маиший, эстетик жиҳатдан бойитиш истаги натижасида юзага келган. Каштачилик санъати

нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам ўз ўринга эга хисобланади. Миллий ҳунарманд усталар томонидан қўлда тикилган кирпеч, сўзана, зардевор, гулкўрпа, чойшаб каби йирик кашталар нафақат хорижий давлатларда, балки республиканизнинг бир қатор музейларининг доимий экспозициясига айланган. Қолаверса, ҳозирги кунгача каштачилик буюмлари ўзига хос гўзаллиги, нафис безакларининг ранг-баранглиги билан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда⁴.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.“Ўзбекистон маданий мероси” муаллифлик туркуми. “Ўзбекистон каштачилиги ва гиламлари хорижий тўпламларда”. IV том. Тошкент: 2020. Б -35
2. Морозова А.С., Аведова Н.А., Махкамова С.М. Ўзбекистон халқ санъати. Тошкент: 1978. Б -32
3. Курбонов Б., Эрназаров Э., Зоитов Т., Ҳабубуллаев Н., Ҳакимов А., Содикова Н. Ўзбекистон амалий санъат. Тошкент: 2003. Б -6
4. Турсунов Н.Н. Ҳунармандчиликда каштачиликнинг амалий санъат сифатида намоён бўлиши. Термиз: 2023. Б-44

⁴ Турсунов Н.Н. Ҳунармандчиликда каштачиликнинг амалий санъат сифатида намоён бўлиши. Термиз: 2023. Б-44